

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

299 Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2375*

(2012 йил 8 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни 7-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 9-сон, 497-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сон қарорининг 2-иловасининг 61-бандига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 48-сон, 442-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 28 май,
44-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2012 йил 28 майдаги
44-сон буйруғига
ИЛОВА

**Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) Солиқ
маслаҳати бўйича ҳисобот тузиш ва мижозга (ишонч
билдирувчига) тақдим этиш
ТАРТИБИ**

Ушбу Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) (кейинги ўринларда стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 9-сон, 497-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикасида солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни норматив тартибга солишнинг элементи ҳисобланади.

I боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу стандартнинг мақсади мижозга (ишонч билдирувчига) солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатувчи солиқ маслаҳатчилари ташкилоти томонидан солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тузиш ва тақдим этиш тартибини белгилаш ҳисобланади.

2. Мазкур стандартнинг талаблари барча солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан қўлланилиши мажбурийдир.

II боб. Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот

3. Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот (кейинги ўринларда ҳисобот деб юритилади) — солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномани (кейинги ўринларда шартнома деб юритилади) бажариш натижалари тўғрисида тўлиқ маълумотларни ўз ичига олувчи мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиладиган ҳужжатдир.

4. Ҳисобот ёзма шаклда тузилади ва шартномани бажариш давомида солиқ маслаҳатчилари ташкилоти томонидан тайёрланган хулоса ва тавсияларни тасдиқлаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

5. Ҳисобот таркиби шартноманинг предмети ва солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатиш муддати давомийлигига боғлиқ. Ҳисобот эркин шаклда тузилади ва мажбурий тартибда қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

номи — «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот»;

мижознинг (ишонч билдирувчининг) манзили, номи ёки Ф.И.О.;

ҳисоботни тузиш учун асос бўлган шартноманинг предмети, рақами ва санаси;

шартномани бажаришда иштирок этган солиқ маслаҳатчиси(лари) тўғри-

сида маълумотлар (Ф.И.О., солиқ маслаҳатчиси сертификатининг рақами ва берилган санаси).

6. Солиқ маслаҳати бўйича бир марталик (бир йўла) хизмат кўрсатиш ва муайян муддат давомида хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар бўйича ҳисоботда ушбу стандартнинг 5-бандида назарда тутилган маълумотлардан ташқари шартномада кўрсатиб ўтилган савол ёки муаммонинг мазмуни, кўрсатилган саволга (муаммога) тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхати ва ваколатли органларнинг тушунтиришлари, шунингдек кўрсатиб ўтилган саволнинг (муаммонинг) ечими бўйича тавсиялар кўрсатилади.

Агар мижозга (ишонч билдирувчига) хизмат кўрсатишда ёзма равишда тушунтиришлар тақдим этилган бўлса, ҳисоботда фақатгина тушунтиришларнинг рақами ва санаси кўрсатилиб, уларнинг нусхалари илова қилинади.

7. Мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини ифода этиш тўғрисидаги шартнома бўйича ҳисоботда ушбу стандартнинг 5-бандида назарда тутилган маълумотлардан ташқари солиқ маслаҳатчиси томонидан мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини ифода этишда давлат солиқ хизмати органларида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа назорат қилувчи органларда, шунингдек судда амалга оширилган ҳаракатлар ва эришилган натижалар кўрсатилади.

8. Шартнома шартларига мувофиқ ҳисобот бошқа маълумотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

III боб. Ҳисоботни тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш

9. Солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботнинг ҳар бир бети солиқ маслаҳатини амалга оширган солиқ маслаҳатчиси томонидан имзоланади, ҳисобот солиқ маслаҳатчилари ташкилоти раҳбарининг имзоси ва мазкур ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

10. Ҳисобот мижозга (ишонч билдирувчига) шартномада белгиланган муддатларда шахсан олиб бориб бериш, почтадан буюртма хат орқали ёки электрон ҳужжат тарзида тақдим этилади.

11. Мижоз (ишонч билдирувчи) ҳисоботни шартномада белгиланган муддатларда олганидан сўнг солиқ маслаҳатчилари ташкилотини ҳисоботни мазмун жиҳатдан тўлиқ равишда қабул қилиб олганлиги тўғрисида ёхуд айрим масалаларга аниқлик киритиш лозимлиги тўғрисида хабардор қиладди. Агар шартномада ҳисоботни қабул қилиш муддатлари кўрсатилмаган бўлса, ҳисобот топширилган санадан бошлаб ўн кун ўтгач қабул қилинган ҳисобланади.

12. Ҳисоботдаги ахборот махфийдир ва тарафлар томонидан ошкор қилиниши мумкин эмас.

**IV боб. Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот мазмуни
учун жавобгарлик**

13. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти, ўзининг фикрига кўра, ҳуқуқий жиҳатдан хатар юзага келтириши мумкин бўлган ҳужжатларни ва маълумотларни исбот сифатида фойдаланмаслик ҳуқуқига эга ва бу ҳақида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни кўрсатган ҳолда мижозга (ишонч билдирувчига) хабар беради.

14. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти кўрсатилган хизмати оқибатлари учун жавобгар бўлмайди, агарда бундай оқибатлар мижоз (ишонч билдирувчи) томонидан нотўғри маълумотлар тақдим қилиниши натижасида юзага келган бўлса.

15. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти мижозни (ишонч билдирувчини) тузилган шартномага мувофиқ солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатиш давомида юзага келадиган барча аҳамиятли бўлган ҳуқуқий жиҳатдан хатарлар тўғрисида огоҳлантириши шарт.

16. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти қонун ҳужжатлари талабларига ёки шартномага мос келмайдиган ҳисобот тузганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгардир.